

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Буранова Лола Вахобовна

Термез давлат университети “Иқтисодиёт” кафедраси

Мудири и.ф.ф.д.(PhD), доцент

lolaburanova51@gmail.com

Махмудов Аслиддин Сирожиддин ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети тадқиқотчи

Тошкент Ўзбекистон

a.maxmudov@tsue.uz

АННОТАЦИЯ

Мамлакатимизда олиб борилаётган банк соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, хизмат турларининг жозибадорлигини ошириш, иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш, банк ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни оптималлаштиришдан иборат. Аҳоли фаровонлигини оширишда кредит маблағларидан фойдаланишнинг замонавий стратегияларини такомиллаштириш номли мақолада банк тизимининг молиявий кўрсаткичлари динамикаси ва «Digital bank» тизими орқали кутилаётган банк даромадлари таҳлил килингди ва таклифлар киритилди.

Калит сўзлар: Кредит, банк тизими, «Digital bank» тизими, молия кўрсаткичлари динамикаси, масофавий банк хизматлари, депозитлар, активлар, капитал.

КИРИШ

Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибасига кўра, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий йўналиши тижорат банклари томонидан кредитлаш ҳисобланади. Бугунги кунда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳамда кредитлаш бўйича илғор инновацион банк хизматларини кўрсатиш ва таклиф этиш борасида соғлом рақобат муҳити такомиллашмоқда. Жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган давлатларида тижорат банкларининг кредитлаш методологиясини такомиллаштириш

борасида банк кредитлари сифатини ошириш, кредит рискларини камайтириш, миждозларнинг кредит қобилятини объектив баҳолаш усул ва механизмларини мукамаллаштириш, кредитлаш амалиётини банк учун энг мақбул бўлган даромадлилик стратегиясига айлантириш, банкларнинг молиявий барқарорлиги ва кредитлаш салоҳиятини ошириш бўйича илғор инновацион банк хизматлари ҳамда маҳсулотларини жорий этиш сингари тадқиқот йўналишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, Жаҳон банки томонидан тадбиркорларлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қарийб 4,8 млн. АҚШ долларига тенг кредитларни дунёнинг 47 давлатига 61 та лойиҳани молиялаштириш учун ажратилди[6].

Мамлакатимизда олиб борилаётган банк соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, хизмат турларининг жозибдорлигини ошириш, иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш, банк ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни оптималлаштиришдан иборат. Хусусан, «...Республикамиз банк-молиятизимини ислох қилиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда банк тизимининг ролини ошириш имконини берди. Шу билан бирга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш учун тижоратбанкларининг иш услубларини тубдан яхшилаш аҳоли ва хўжалик субъектларининг банк тизимига ишончли институционал ҳамкор сифатида қарашларини мустаҳкамлаш вазифалари белгилаб берилган [1]

Хозирги кунда мавжуд масофавий банк хизматлари замонавий талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Бугунги давлат сиёсатида рақамли банк тизимини жорий этиш ва уни ривожлантиришга қаратилган ислохотларга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон тижорат банкларига «рақамли кредит конвейери» платформасининг самарали фаолият юритишида «digital bank» рақамли банкинг тизими хизматлари тадбиркорлик субъектларига 20 дан ортиқ он-лайн банк хизмат турларини дунёнинг исталган жойидан туриб 24/7 тизими орқали фойдаланиш имкониятларини яратади.


Материаллар ва усуллар. Аҳолини кредит маблағларидан фойдаланишни, кредит тизимини такомиллаштириш бўйича таҳлилларни Б.Бердияров, И.Алимарданов, Т.Бабакуловлар кўрсатиб ўтган. Мамлакатимизда тижорат банкларининг ривожланиши ва уларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш масалаларини А.Бектемиров[2], А.Абдуллаевлар[3] томонидан “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари ва ечимлари” ҳамда “банк хизматлари рақобатбардошлигини ошириш муаммо ва ечимлари” номли илмий ишларида баён этилган.

Хорижий мамлакатларда банкларнинг тулов қобилиятини мустаҳкамлаш ва замонавий рақамли банк тизими трансформацияси бўйича катта тажрибага эга мамлакатлар моделларини гуруҳлаш орқали ўрганиш эътиборга моликдир. Бунда Германия модели – махсус ташкил этилган Германия Федерал молиявий назорат муассасаси назорат билан шуғулланади, Англия модели – турли агентлик молия секторлари фаолиятини тартибга солиб боради, Америка моделида – Федерал заҳира тизими орқали назоратга олади ва барқарор молиявий ва тулов қобилияти мустаҳкамлигини мегарегулятор вазифасини амалга оширади.

Қатор мамлакатлар марказий банклари тегишли қонунчиликка асосан парламент олдида ҳисобот топширади. Масалан, АҚШ Федерал заҳира тизими ўз фаолияти бўйича мамлакат Конгресси олдида йилига 2 марта, Германия, Япония, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар марказий банклари ҳар йили бир марта мамлакат парламенти олдида ҳисобот беради. Бунда ҳисоботлар ва маълумотларнинг шаффофлигига алоҳида эътибор қаратилади. Ўз навбатида мамлакат парламенти марказий банкнинг пул кредит сиёсатига баҳо беради ва керакли тавсия ва таклифлар киритади.

Тадқиқот методологияси. Аҳоли фаровонлигини оширишда кредит маблағларидан фойдаланишнинг замонавий рақамли банк тизими ролини белгилашда илмий билишнинг фундаментал методологияси асосида шаклланган бўлиб, индукция ва дедукция, диалектик бирлик, назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги, таққослаш ва ўхшашлик усуллардан фойдаланилган. Тадқиқот давомида тизимли ёндошувни қўллаш орқали иқтисодий – статистик, тузилмавий – динамик таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Ўзбекистон банк тизимининг кредитлаш амалиётида бир қатор камчиликлар юзага келмоқда. Хусусан, миждозларга ажратилган кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитларнинг салмоғи кескин даражада ортмоқда, банк амалиётида рисклар даражаси ошмоқда, банк хавфсизлигини таъминлаш етарли талаб даражасида эмас, банкларда кредит турларини амалиётга кенг миқёсда жорий этиш ривожланмаяпти, масалан, банклар кредит амалиётида замонавий скоринг тизимлари қўлланилмаяпти, миждозларнинг кредитга бўлган лаёқатини ўрганиш ва баҳолаш юқори талаб даражасида эмас, кредит таъминотининг турлари билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммолар юзага келмоқда, Ўзбекистон банк тизимининг асосий молиявий кўрсаткичларининг миқдорий динамикаси ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада камайганлигини қуйидаги жадвалдаги маълумотлардан кўришимиз мумкин (1-расм).




1-расм. Ўзбекистонда банк тизимининг асосий молиявий кўрсаткичлар динамикаси, млрд. Сўмда [5]

Миллий банк тизимида 2022 йилда активлар миқдори ўтган йилга нисбатан 134 фоизга, кредитлар миқдори 117 фоизга ошган бўлсада, соф фойда миқдори 33 фоизга камайган. Шу билан бирга, активлар рентабеллиги кўрсаткичи ўтган йилга нисбатан 0,9 фоизга, банк капиталининг рентабеллик кўрсаткичи 4,2 фоизга камайган.

Мазкур кўрсаткичлар миқдорининг камайиш сабабини банк тизимида муддати ўтган муаммоли кредитларга шакллантирилган захираларнинг кескин даражада ўсганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу каби муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майда “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони қабул қилинди. Фармонда давлат улушига эга бўлган банкларни корпоратив трансформациялаш жараёнининг корпоратив бошқарувини такомиллаштириш, банк хизматлари сифатини ошириш ва уларнинг кўламини кенгайтириш, замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, кадрлар салоҳиятини ошириш каби устувор йўналишларни амалга ошириш масалалари белгиланди. Бунинг учун мамлакатимизда миллий банк тизимининг молиявий барқарорлигини узлуксиз ислоҳ қилиб бориш, халқаро банк амалиётларида тажрибадан ўтган молиявий банк моделларини мамлакатимиз банк амалиётига жорий этиш орқали банкларнинг фаолиятини трансформация қилиш, банк тизимининг ликвидлигини таъминлаш каби қатор масалаларни ҳал қилиш зарур.


Фармонда белгиланганидек, банк тизимини ислоҳ қилишдаги асосий унсурлар банк фаолиятини трансформация қилиш жараёнида намоён бўлиб қолмоқда. Трансформациянинг асосий мақсади – банк фаолиятининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, банк билан мижозлар ўртасидаги интеграция тизимни самарали ташкил этишдан иборат. Ўз навбатида, банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашда банк ахборот технологиясининг янги маҳсулот турларини кўпайтириш, янги молиявий технология усулларини жорий этиш, банкларни ахборот хавфсизлиги билан юқори талаб даражасида таъминлаш, молиявий хизматларни кўрсатишда инсонлар таъсирини камайтириш, банклар фаолиятини трансформация қилиш жараёнларини жадаллаштириш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар миқдори йилига 1 890 510 млрд. сўмни ташкил қилиши, 1 йил иш куни 256 кун деб олинса, Марказий банкнинг ўртача кунлик айланмаси миқдори (9-00 дан 16-00 гача) ўртача 7,4 трлн. сўмни ташкил қилади (2-расм).



2-расм. «Digital bank» тизими орқали кутилаётган даромад[5]

Тижорат банклари кунлик пул ўтказмаларининг камида 5 фоизи «digital bank» рақамли банкинг тизими орқали амалга оширилган тақдирда, қуйидаги молиявий кўрсаткичларга эришиш мумкин: «digital bank» рақамли банкинг тизими орқали кунлик транзакцияларни 0,2 фоиз миқдорида жалб этишни бошлаб 20 ой давомида камида 5 фоизга етказилганда ва комиссия хизматларни 0,2 фоиз миқдорида белгиланган тақдирда биринчи, иккинчи ва учинчи ойларда 30 млн. сўмга яқин даромад кўриш имкониятига эга бўлиш мумкин. Бундай кўрсаткичлар юқоридаги жадвалга асосан 5 фоизга етказилганда эса 16-20 ойларда даромадни 740 млн. сўмгача кўтариш имконини беради.



3-расм. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчилар сони[5]

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра, 2022 йил ҳолатига масофавий банк хизмат турларидан фойдаланувчилар сони 20 203 384 ташкил қилади. Шундан хўжалик субъектлар 968 600 тани, жисмоний шахслар 19 234 800 тани ташкил қилади (3-расм).

Маълумотларидан кузатиш мумкинки, масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи хўжалик субъектлар сони жисмоний шахслар сонидан бир неча баробар кам эканлиги ва бундай хизмат турлари юридик шахслар учун мамлакатимизда етарли даражада ривожланмаганлигини кўриш мумкин.

Марказий банк маълумотларига асосан, масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи хўжалик субъектлар сони 838 817 тани ташкил қилса, ҳар бир уланган хўжалик субъектидан обонент тўлови энг кам базовий ҳисоблаш миқдорининг 40 фоизи миқдоридан 98 000 сўм тўлов олинганини ҳисобга олинса, хўжалик субъектлар сони «digital bank» рақамли банкинг тизимига жалб этишда 1 фоизни ташкил қилганда обонент тўлови 98.000 сўмдан ҳисобланса, биринчи-учинчи ойлардаги даромад 822 млн. сўмни ташкил қилади. Жалб этиш 20 фоизга етказилганда эса даромад 16 440 млн. сўмга етказилиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги муаммолар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади:

банкларнинг кредитлаш амалиётига трансформациялаш модели («балл тизими») шкаласини кўллаш орқали кредит портфелининг сифатини ошириш билан бирга банк даромадларига ижобий таъсир кўрсатиш:

кредит таъминотлари сифат даражасини баҳолаш мезонларини «синфлар» бўйича таснифлаш орқали банк кредитларининг қайтмаслик рискларини камайтириш;

банкларда кредитлаш амалиётини «smart raqamli bank» фазасига трансформациялаш орқали банк миждозларининг сонини ва кредит портфели миждорининг ошишига иждобий таъсир кўрсатиш;

кредитлаш амалиётига «рақамли кредит конвейери» платформасини жорий қилиш орқали амалдаги кредитлардан кутилаётган банк рискларини бартараф қилиш;

тиждорат банкларига «Digital bank» рақамли банкинг регулятор хизматини жорий қилиш орқали банк даромадларини ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

банклар фаолиятига исломий банк хизматларини жорий этишни йўлга қўйиш орқали банклардаги ресурс базасининг тақчиллигини бартараф этиш, кредит портфелининг диверцификацияси даражасини ошириш;

банкларни халқаро молиявий стандартлар асосида фаолият кўрсатадиган банк тузилмасига айлантиришда трансформация жараёнларининг амалга оширилишини тезлаштириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.09.2017 й., 07/17/3270/0004.
2. Бектемиров А. Банк хизматлари рақобатбардошлигини ошириш: муаммо ва ечимлар. “Ўзбекистон банк соҳасидаги инновациялар: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 10.04.2022й
3. Абдуллае А.Я. Каттакишиев Б. Ўзбекистонда банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммо ва ечимлари. “Ўзбекистон банк соҳасидаги инновациялар: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 10.04.2022й
4. Норов А.Р. Тижорат банкларининг тадбиркорлик субъектларини кредитлаш методологиясини такомиллаштириш. Автореферат. Тошкент-2022й – 75 б
5. <https://cbu.uz/uz/payment-systems/remote-banking-services/>
6. <http://projects.worldbank.org>. The World Bank Data as of January 2020